**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ**

# ҚАРОРИ

**ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ МИНИСТРЛЕР КЕҢЕСИНИҢ**

# ҚАРАРЫ

**Нукус шаҳри** — **Нөкис қаласы**

№ 208 «26» март 2018 й.ж

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2018 йил 23 март куни ўтказилган видео селектор йиғилишида белгилаб берилган топшириқлардан келиб чиқиб, 2018 йил давлат эҳтиёжлари учун қўшимча 10 фоиз дон етиштириш учун ғалла майдонларида қўшимча амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2018 йил 23 март куни ўтказилган видео селектор йиғилишида белгилаб берилган топшириқлардан келиб чиқиб, 2018 йил давлат эҳтиёжлари учун қўшимча 10 фоиз дон етиштириш учун агротехник тадбирларни амалга ошириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2018 йил 23 март куни ўтказилган видео селектор йиғилишида 2018 йил давлат эҳтиёжлари учун қўшимча 10 фоиз дон етиштириш учун ғалла майдонларида агротехник тадбирларни амалга ошириш ҳақидаги белгилаб берилган топшириқлари ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Туманлар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Аминов), «Тахиатошдонмаҳсулотлари» АЖ (Утемуратов), «Қўнғирот ун заводи» АЖ (Абдижамилов), «Қорақалпоқдонмаҳсулотлари» АЖ (Худояров), «Тўрткўлдон маҳсулотлари» МЧЖ (Рўзметов) ва «Чимбойдонмаҳсулотлари» МЧЖ (Байниязов)нинг 2018 йил давлат эҳтиёжлари учун қўшимча 10 фоиз дон топшириш бўйича таклифлари **иловага** мувофиқ маъқуллансин.

3. «Тахиатошдонмаҳсулотлари» АЖ (Утемуратов), «Қўнғирот ун заводи» АЖ (Абдижамилов), «Қорақалпоқдонмаҳсулотлари» АЖ (Худояров), «Тўрткўлдон маҳсулотлари» МЧЖ (Рўзметов), «Чимбойдонмаҳсулотлари» МЧЖ (Байниязов), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Аминов) туманлар ҳокимликлари билан биргаликда 2018 йилда давлат эҳтиёжлари учун қўшимча 10 фоиз дон топшириш бўйича белгиланган тартибда фермер хўжаликлари билан дон корхоналари ўртасида **иловада** белгиланган ҳажмларда контрактация шартномаларини тузишни **10 кун муддатта** якунласин.

Туманлар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Аминов) Адлия вазирлиги (Садиков) билан биргаликда **5 кун муддатда** 2018 йилда давлат эҳтиёжлари учун қўшимча 10 фоиз дон топшириш бўйича фермер хўжаликлари билан дон корхоналари ўртасида тузилган контрактация шартномаларини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши таъминлансин.

4. Туманлар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Аминов)га белгиланган тартибда ғалла майдонларини қўшимча озиқлантириш ва бунинг учун ҳар бир ғалла эккан фермер хўжаликлари билан йирик паррандачилик, чорвачилик, балиқчилик хўжаликлари ўртасида режадан ортиқча етиштирилган донни эркин нархларда сотиб олиш бўйича шартномалар тузиш, мазкур шартномага асосан йирик корхоналар томонидан фермер хўжаликларига минерал ўғит сотиб олиш учун аванс маблағларини тўлаб бериш тавсия этилсин.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари С.Ж.Хожаметов зиммасига юклансин.

**Қорақалпоғистон Республикаси**
**Вазирлар Кенгашининг Раиси** **Қ.Сариев**

**Вазирлар Кенгашининг**
**2018 йил "26" мартдаги**
**208 -сонли қарорига**
**илова**

**Қорақалпоғистон Республикаси туманларида 2018 йил давлат эҳтиёжлари учун бошоқли дон харид қилиш бўйича тузиладиган контрактация шартномалари тўғрисида**

**МАЪЛУМОТ**

| т/р | Туманлар номи | Давлат хариди учун тузиладиган шартнома | | | Шу жумладан | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Товар дон учун тузиладиган шартномалар | | | Уруғлик дон учун тузиладиган шартномалар | | |
| | | Ғалла экилган майдон, гектар | фермер хўжаликлар сони | Жами (тонна) | Ғалла экилган майдон, | фермер хўжаликлар сони | Давлатга топшириш режаси, тонна | Ғалла экилган майдон, | фермер хўжаликлар сони | Давлатга топшириш режаси, тонна |
| 1 | Тўрткул | 3050 | 285 | 6083 | 2883 | 271 | 5583 | 167 | 14 | 500 |
| 2 | Беруний | 3000 | 343 | 6083 | 2833 | 328 | 5583 | 167 | 15 | 500 |
| 3 | Элликкалъа | 3000 | 330 | 6083 | 2767 | 297 | 5383 | 233 | 33 | 700 |
| 4 | Амударё | 3000 | 416 | 6083 | 2767 | 390 | 5383 | 233 | 26 | 700 |
| 5 | Хўжайли | 2399 | 122 | 4538 | 2344 | 117 | 4373 | 55 | 5 | 165 |
| 6 | Шуманой | 3745 | 198 | 6144 | 3725 | 196 | 6084 | 20 | 2 | 60 |
| 7 | Канликўл | 5125 | 315 | 8679 | 5033 | 305 | 8404 | 92 | 10 | 275 |
| 8 | Кўнгирот | 5200 | 163 | 8476 | 5140 | 157 | 8296 | 60 | 6 | 180 |
| 9 | Муйноқ | 250 | 19 | 385 | 250 | 19 | 385 | - | - | - |
| 10 | Нукус | 5800 | 405 | 11066 | 5466 | 396 | 10066 | 333 | 9 | 1000 |
| 11 | Кегейли | 4350 | 260 | 7040 | 4250 | 254 | 6740 | 100 | 6 | 300 |
| 12 | Чимбой | 4590 | 334 | 7524 | 4498 | 325 | 7249 | 92 | 9 | 275 |
| 13 | Қораузяк | 4590 | 337 | 7513 | 4490 | 327 | 7213 | 100 | 10 | 300 |
| 14 | Тахтакўпир | 4400 | 170 | 7238 | 4333 | 168 | 7038 | 67 | 2 | 200 |
| 15 | Тахиатош | 501 | 33 | 897 | 486 | 32 | 852 | 15 | 1 | 45 |
| **ЖАМИ** | | **53000** | **3730** | **93830** | **51267** | **3582** | **88630** | **1733** | **148** | **5200** |